2007 YIL 19 YANVAR, JUMA

# Qishloq Hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 10 (7.159). Sotuvda erkin narxda

## Бугунги сонда:

Халқаро экофорум



(2-бетда)

Алданган қиз қисмати

(1,4-бетларда)

Зиммамиздаги бурч



(4-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

# Геология-қидирув ишларини ташкил қилишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари, қурилиш индустрияси корхоналарининг минерал хом ашё базасини яратиш ва кенгайтириш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Нодир ва камёб ер металлари, агрокимё ва кон-руда хом ашёси, қурилиш материаллари, ер ости чучук ва минерал сувларининг захиралари кўпайиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, саноат аҳамиятига эга бўлган минерал хом ашё базаси етарли суръатларда ривожланмаяпти. Айрим потенциал рудали ҳудудлар суст ўрганилмоқда. Геология-қидирув ишлари давомида илм-фанга асосланган технологиялар етарлича қўлланилмаяпти, илмий-тадқиқот салоҳияти анча заифлашган ва асоссиз равишда тарқоқлашган. Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш тузилмаси ва бошқарув усуллари замон талабларига жавоб бермаяпти. Ишларнинг пировард натижаларига қараб эмас, балки физик ҳажмларига қараб баҳо беришдан иборат умрини яшаб бўлган амалиёт ҳамон сақланиб қолмоқда. Кончилик, бурғулаш ва лаборатория асбоб-ускуналарининг ниҳоятда эскирганлиги, шунингдек, махсус приборлар билан яхши жиҳозланмаганлиги қидирув ишларини замонавий усул ва технологиялар асосида ўтказиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Геология-қидирув ишларини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш, уларни фойдали қазилмалар захираларини ўстиришга, илм-фанга асосланган технологияларни жадал татбиқ этишга йўналтириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар геология тармоғини ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

энг аввало, углеводород хом ашёси, қимматбаҳо, рангли, нодир металлар ва уранни, шунингдек, ер ости чучук ва минерал сувларни қидириш ҳамда разведка қилиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган геология-қидирув ишларининг ташкилий тузилмасини, бошқарув ва прогноз қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

ер қаъридан самарали фойдаланиш ва минерал хом ашё қазиб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар геологик захираларини чуқур таҳлил этиш, уларни прогноз қилишнинг замонавий технологиялари ва илғор усулларини кенг қўллаш асосида геологияга оид ахборотларнинг холислиги ва ҳаққонийлигини ошириш;

геология-қидирув ишлари самарадорлигига баҳо бериш асосида бу ишларни молиялаштириш ҳамда тармоқнинг пировард натижаларига – фойдали қазилмаларнинг саноат захиралари ўсишига қараб рағбатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

тармоқ корхоналарини тубдан модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

геология соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг:

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида "Нодир ва рангли металлар геологияси", "Уран ва камёб ер металлари геологияси" ҳамда "Гидроминерал ресурслар геологияси" илмий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил қилиш;

1-иловага мувофиқ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибида ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказлари геология-қидирув ишларининг муайян йўналишлари бўйича ихтисослаштирилади ва минерал хом ашёнинг стратегик турларини комплекс равишда, тизимли тадқиқ этиш, қидириш, баҳо бериш ва разведка қилиш учун илмий ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини ўз таркибида бирлаштиради.

Қуйидагилар янги ташкил этиладиган илмий-ишлаб чиқариш марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда)



Шаҳрихон туманидаги "Тез тиббий ёрдам" марказининг малакали шифокорлари туман аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатишяпти. 30 ўринли, тўртта бўлимдан иборат мазкур марказ замонавий асбоб-ускуналар, зарур техник воситалар билан таъминланган.

СУРАТДА: марказ ходими, олий тоифали ҳамшира Нигорахон Ҳасанова.

**Б.АКРАМОВ** олган сурат.

## Куннинг муҳим воқеалари

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Осиё тараққиёт банкининг Марказий ва Ғарбий Осиё департаменти Бош директори Хуан Миранда раҳбарлигидаги делегация қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида санъатнинг компьютер графикаси турига бағишланган кўргазма очилди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши ҳамкорлигида ҳарбий аёллар спартакиадаси ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ўтган мажлисида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида"ги иш кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида япон фотоустаси ва рассоми Йосуке Ито фотоасарлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

● "Энг намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи якунланди.

● Фарғона шаҳрида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар ўтказилмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши ўтказилди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2006 йилдаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Британияда чиқадиган "The Banker" журнали анъанавий тарзда дунёдаги 130 та мамлакатда тадқиқот ўтказиб, Ўзбекистондаги "Кредит-стандарт" банкини "Йилнинг энг яхши банки" қаторига киритди.

# «Танлаган тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистонни Хитой ҳамиша қўллаб-қувватлайди»

***Хитой Халқ Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг январь ойида икки давлат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлди.***

Ушбу муҳим сана арафасида мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси томонидан Хитой ташқи сиёсий таҳлил марказларининг етакчи эксперт ва раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув уюштирилди. Унда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш даражаси кўламларига баҳо берилиши баробарида, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича таклифлар ўртоқлашилди. Хитойлик экспертлар Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни юксак баҳолашар экан, Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашда мамлакатимиз муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбир давомида хитойлик меҳмонларга давлатимизда конституциявий қурилишни ривожлантиришда эришилаётган муваффақиятлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари хусусида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, диний эътиқод эркинлиги таъминланиши борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларидаги меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ҳамда улардаги замонавий инфратузилмаларни ривожлантириш ва сақлаш юзасидан ҳукумат саъй-ҳаракатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан Пекинда ХХР сиёсат ва жамоат ҳамда таҳлилчи эксперт доиралари, ШҲТ котибияти ва дипломатия корпуси вакиллари иштирокида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда маъруза қилган ХХР ташқи ишлар вазири ёрдамчиси Ли Хуэй таъкидлаганидек, 15 йил давомида икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик барқарор ривожланиб келаётир. Турли соҳалардаги ўзаро алоқалар мунтазам чуқурлашиб бормоқда. «Икки томонлама ҳамкорликнинг ижобий тараққиёти гувоҳи бўлган ҳолда мен Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг ажойиб келажагига ишонаман», деди Ли Хуэй.

Хитойлик меҳмонлар ўзбек халқи Президент И.А.Каримов раҳбарлигида ўз давлати мустақиллигини мустаҳкамлаётгани ва ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганини таъкидлашди.

Ушбу тадбирлар Хитой оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилди. Жумладан, «Синьхуа» ахборот агентлиги, «Жэньминь жибао» газетаси уларга ўз муносабатларини билдирдилар.

«Жэньминь жибао» газетаси саҳифасида икки мамлакат ўртасидаги дипломатия алоқалари ўрнатилганига 15 йил тўлиши муносабати билан «Хитой-Ўзбекистон муносабатлари: ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда, жумладан, Хитой ва Ўзбекистон яхши қўшни, дўст ва ҳамкор эканлиги қайд этилади. Дипломатия муносабатлари ўрнатилган вақтдан буён икки мамлакат ўртасида кўпгина соҳалардаги ҳамкорлик жадал суръатларда ривож топаётир, амалий натижалар қўлга киритилмоқда.

Хусусан, мақола муаллифлари шундай ёзади: «ХХР ва Ўзбекистон Республикаси сиёсий соҳада бирбирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланмоқда. Жумладан, юқори даражадаги алоқалар ҳам ўсувчан мазмунга эга. 2004 йилнинг июнь ойида ХХР раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Унда Хитой-Ўзбекистон муносабатлари бўйича муҳим масалалар, минтақа ва дунёдаги вазият юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва ХХР раиси Ху Цзиньтао томонидан «Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик, дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақидаги Декларация» имзоланди. Икки мамлакат тегишли идоралари ўртасида соғлиқни сақлаш, таълим ва энергетика соҳаларида яна тўққизта ҳужжат имзоланди».

«Жэньминь жибао»нинг таъкидлашича, 2005 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга буюрган давлат ташрифи чоғида икки давлат етакчилари «Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик бўйича шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома»ни имзоладилар. Шунингдек, ўзаро ҳамкорликни кўзда тутувчи 14 та идоралараро битимлар имзоланди. Бу икки томонлама интилишни ҳамда дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш борасида икки мамлакат халқларининг қатъиятини намоён этди. Бу билан икки томонлама муносабатларни узоқ муддатли ривожлантиришга сиёсий-ҳуқуқий асос қўйилди.

Ўзбекистон ва Хитой томони БМТ ҳамда ШҲТ каби кўп томонлама тузилмаларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, ўзаро ҳамжиҳатликда минтақа ҳамда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашмоқда.

«Ўтган давр ичида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламлари салмоқли даражада кенгайди. Биргина 2006 йилнинг 7 ойи мобайнида икки томонлама савдо айланмаси 659 миллион АҚШ долларига етди. 2005 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 62,6 фоизни ташкил этди. Хитой-Ўзбекистон ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилган вақтдан буён савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича тузилган Ҳукуматлараро комиссиянинг етти йиғилиши бўлиб ўтди».

– Ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонни Хитой ҳамиша қўллаб-қувватлайди, – деб ёзади «Жэньминь жибао».

Мақола интиҳосида икки давлат ўртасида мунтазам равишда кенгайиб бораётган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва сайёҳлик соҳасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани алоҳида таъкидланган.

**«Жаҳон» АА**
**Пекин**



3

# Оламда нима гап?

*Сарҳисоб*

***Воҳада энг кўп парранда маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар қаторида Чироқчи туманидаги "Истиқлол" паррандачилик акциядорлик жамияти ҳам тилга олинади.***

# Паррандачилик - етти хазинанинг бири

Чунки ушбу корхона ички бозорни шу турдаги маҳсулотлар билан мўл-кўл қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, биргина 2006 йил мобайнида 11 миллион 276 минг дона тухум ва 543,6 центнер парҳез товуқ гўшти ишлаб чиқарилди. Бошқача айтганда, ўтган йили жамоа буюртмачи корхона ҳамда ташкилотларга 1 миллиард 32 миллион сўмликдан ортиқ тухум ва товуқ гўшти сотишга муваффақ бўлди.

(Давоми 3-бетда)

# Олқиш олган омондир

**Раҳимжон отанинг мучали балиқ, тўқсон ёшга тўлиб, тўқсон бирга қадам қўйди. Узоқ умрнинг ҳар йилини биттадан китоб десак, отахон жонли бир кутубхона.**

**–Шукр қилиш керак, - дейди у киши. –Уйимга борармиканман, онамнинг дийдорларига тўярмиканман, Наманганнинг бир коса совуқ сувига қотган нонни бўктириб ермиканман, деб етти йил орзу қилганман.**

Қаттиқ нонни совуқ сувга ботириб ейишнинг йиллаб орзу бўлиши бугун эртакдай туюлар, аммо бу бор гап.

*2007 йил – "Ижтимоий ҳимоя йили"*

–Ер тўхтамай зириллаб туради, самолёт қора қарғадай кўкни эгаллаган, ишонасизми, офтоб кўринмай қоларди. Шепетовка атрофи дала, охири адоқсиз буғдойзор. Бошоққа энди ранг кирганди, ҳаммаси бир кунда ёниб кул бўлди-я!

Бу фашизмнинг сонсиз, саноқсиз кирдикорларидан биттагинаси. Қаҳрамонимиз 197-ўқчи полк таркибида душманнинг ўша жиноятларига гувоҳ бўлган, етти йилда Наманганга кириб келган унвонсиз қаҳрамон. Чунки жанггоҳлардаги уқубатларга, маҳрумиятларга бардош беришнинг ўзи қиёси йўқ баҳодирлик эди. Статистика шундай: беш йиллик уруш давомида Худонинг берган куни беш юз нафарга яқин ўзбек йигити шаҳид бўлди! Раҳимжон ота ва омон қайтган ватандошларимизнинг ўша рўйхат, ўша сонларга кирмай қолганларининг ўзи мўъжиза.

–Икки марта ярадор бўлдим. Ўлим сен билан ёнма-ён юради, қаерда йиқилиб қолишингни билмайсан.

(Давоми 2-бетда)

*Турмуш чорраҳаларида*

***Мана, бир ойдирки у кўчага чиқмайди. Тўғрироғи, чиқишга ботинолмайди. Чиқса, биров ортидан қўлини бигиз қилиб "Бу ўша... Гулбодомнинг отасида", дейдигандек бўлаверади.***

# Сўқмоқдаги тўқмоқлар

Маърака-мавридга боришни-ку айтмай қўя қолайлик.

"Тобим йўқроқ, ука", дейди узрини айтган бўлиб қишлоқ вакилига. Нима ҳам қилсин. Қизи, жондан ортиқ суйган жигарбанди Гулбодом уни номусдан ўлдирди, ахир.

Қодир аканинг асл касби боғбонлик. Уч гектарча боғида ўрик, шафтоли, олу, нок дейсизми, ҳаммасидан бор. Хотини Нафиса билан ҳар бир кўчатни асраб-авайлаб вояга етказишди.

(Давоми 4-бетда)

# Токзорларга туташ корхона

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этилмоқдаки, натижада, соҳа ходимлари фаолияти янада равнақ топиб, уларнинг меҳнатлари туфайли яратилган маҳсулот нафақат ички бозоримизни таъминлаётир, балки хориж давлатларига ҳам чиқарилмоқда.**

Шу тариқа айни пайтда жаҳон бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз ўрни ва мавқеини топаётир. Бу эса, ўз-ўзидан, хорижлик мутахассисларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ. Аксинча, мамлакатимизга сармоя киритиб, ҳамкор сифатида ишлашга қизиқиш уйғотмоқда.

Бўстонлиқ туманидаги "Конвин" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳам ана шундай мақсадда ташкил этилган. Корхона бир мавсумда 3200 тоннадан зиёд узумни қайта ишлаш қувватига эга. Шунингдек, бу ерда хом ашёни сифатли сақлаш учун замонавий технологик талаблар асосида қурилган, сиғими 400 минг далга тенг эмал идишлар билан таъминланган омборхона мавжуд. Бундай омборхона республикамиздаги саноқли корхоналарда бор. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотнинг сифатли сақланишида муҳим омил бўлаётир.

*Жараён*

Маълумки, Бўстонлиқ тумани тоғли ҳудудлардан саналади. Қўшма корхонанинг айнан шу масканда ташкил топиши ҳам бежизга эмас. Негаки, бу ерда "Баян-Ширей", "Кульджинский", "Ркацители", "Пино", "Санераву", "Алеатино", "Рислинг" сингари экологик жиҳатдан тоза, юқори сифатли узум навлари етиштирилади.

(Давоми 2-бетда)

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (80) | БЕНЗИН (91) | ДИЗ.ТОПЛИВО | МАЗУТ | СЖ.ГАЗ | МАСЛО ХЛОПК. | САХАР | КОМ.КОРМ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 748,8 ▼ - 1,8 | 843,7 ▲ + 8,0 | 590,0 ▼ - 7,1 | 120,0 ▼ - 20,5 | 656,1 ▲ + 46,7 | 955,9 ▼ - 2,1 | 882,0 ▼ - 46,4 | 125,6 ▼ - 11,1 |

